

Эрмамат НУРМАТОВ

ОҚ ВА ҚОРА

ШЕЪРЛАР ВА ДОСТОН



“Наманган” нашриёти
2004

84(57)6-5



**Оламнинг ишлари антиқа тугун,
Сиру синоатдан иборат гўё.
Бир осмон остида алмашур тун-кун,
Абадий рўбарў зулмат ва зиё.**

10 31319
0

445-782,14-1069340
НГ _____ 2004
446-4,0-(09)-04

© Эрмат Нурматов. "Наманган" нашриёти

20.05
A-3059
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston M...

10

БИТОК ВА МЕҲР

Одам феъл-атвори хўп ажабтовур,
Ёқангни-да ушлаб қоласан ногоҳ.
Баъзилар жисмида бисёр эмиш нур,
Нурки, мўъжизаси овоза мундоқ:

Беморга қўлини тегизса борми
Узлатга қувлармиш не-не дардни ҳам.
Соҳиби қилмаса ушбу касб-корни
Танг ҳолга тушармиш ўзи дамо-дам...

Билмадим, ростмикин ва ёки ёлғон,
Буёғи аёнди ёлғиз Аллоҳга.
Лек менинг руҳимда бир ҳис ҳукмрон,
Бугун кўчирмасам бўлмайди оққа:

Кўрибманки ёруғ дунё чехрасин
Сарҳуш туйғулардан ёнади вужуд.
Қулоққа чалинса ўзга ғам саси,
Оёққа тураман, оромим унут.

Таскинлар амрини этаман ижро,
Оқибат арисин кўзларин ёши.
Бировларни толе аллаласа ё
Бошидан кетмасин дейман қуёши.

Майсани эзсалар дилим оғриқда,
Чумоли топталса ўртайди алам.
Қуш қасдида милтиқ ўқлаган тобда
Инсофга келсайди бағритош одам...

Борлигим чулғамиш беадад меҳр,
Мудом улашмасам душвор аҳволим.
У гўё қондаги илоҳий сеҳр,
Сатҳига сигмаган дарёи лим-лим.

Дехқон дона сочган каби тоабд
Меҳримни таратиб яшамоғим бор.
У инъом эмасдир яхшига фақат,
Сенга ҳам илиниб юраман, ағёр!

2003

ЭЛИМ

Меҳрим ҳарорати мисли ёз, элим,
Мадҳингни айтмоққа сўзлар оз, элим.

Не боис ҳоримай нур тўкар қуёш,
Пешонанг териға ишқибоз, элим.

Дарёға туташдир феълинг кенглиги,
Дарё не, уммонга тенг мажоз элим.

Қаноат тагини олтин атайсан,
Шубҳаға қиласан эътироз, элим.

Жунбушга келаман сабр ипин узиб,
Бу тугён беғубор, бу - эъзоз, элим.

Баъзилар ризқингни этмоқда туя,
Улар аждаҳоға ҳаммижоз, элим.

Дейсанки: “Жазосин беради Худо!”,
Садосиз қолмагай ҳақ овоз, элим.

2002.



ҲАЙРАТ

Имом Бухорий зиёратгоҳида

Қалбимга ёғилди тонг нури,
Ҳайратдан унутдим ўзимни.
Туяман илоҳий гурурни,
Тикиб мақбарага кўзимни.

Сукутда ётибди улуғ зот,
Наҳотки, тонг сиғар қабрга?
Нидо қил, нидо қил, эй ҳаёт,
Сабр бер энди сен сабрга!

Жаҳонда ҳазратдай, айт, ким бор,
Эътиқод баҳсида танҳодир.
Пайгамбар сўзига устувор,
Даҳолар сиғинган даҳодир.

Юз минглаб табаррук гуҳарни
Хотирда тутмишлар, вожаб!
Саралаб мисоли соф зарни,
Ҳадис деб битмишлар, вожаб!

Бил, бунда тош кўнгил зрийди,
Эзгулик ҳовридан дийда нам.
Бад ўйлар зумдаёқ арийди,
Зулматни қувгандек ёниқ шам!

Атрофга қарайман энтикиб,
Гўёки коинот аҳли жам.
Рухларин шод этар тиз чўкиб,
Араб ҳам, муаззам Ажам ҳам.

Аллоҳнинг бергани шу зрур,
Шу зрур чин бандам дегани.
Бу ёруғ оламни қўйиб тур,
Ўлсанг-да мен ҳамдам дегани.

На бойлик ортидан қурдилар,
На қаср қурдилар умрда.
Дилларни зиё-ла ювдилар,
Дунё яратдилар шуурда!

2000.

ФАХРИНА

Даволатда Мадрона Абдан Басидини маъбараси пойига
Влаштуруш имидога мансуби баш талашот дафн эманган.

Эи дахр, хоёлигдан бош кулар,
Лоқандаи кушларда қанот эриқ,
Воқеънома бахтиса мулстар -
Куртдошани вақола ил мултоқ.

Мақобат қад қилган масқонда
Едини мизу а ўрақлас.
Қабри а қонгнаш пайда
Ботниги бир пайда сўрақлас.

Сўнмағай бу соғини, бу дақас,
Буданга ўгани нўқ қил эманот.
Дарёнига қисмати қуршаман,
Боқр эманга қимнид пирни қону.

Оқарни, Ялангўш авлида,
Ғоибдан олгани қўлабда
Эни а мулганиб қадни,
Донлар тилида сўлабдиқ.

- Қўз қамса, ул зоти шарифини
Оғни остига қўйилни,
Вақоси бўлмағай тоқо тақинни,
Сиз ум қимда тўйилни!

Нима қил, асрлар ўнбдиқ,
Қуранига олибди турфа рақ.
Порлоқлар қелибдиқ, қелибдиқ,
Босибдиқ ақсонда қани қил.

Талсинлар ўганини қил бўғун,
Рости гал, Ялангўш қаслига.
Пайдаи пойнда етган-қун
Эслағиб туради қилниқ!

2000.

Оламнинг ишлари антиқа тугун,
Сиру синоатдан иборат гўё.
Бир осмон остида алмашур тун-кун,
Абадий рўбарў зулмат ва зиё.

Оқ ранг теграсида ястанмиш қора,
Ёинки кўрасан, ажаб, аксини.
Парқув булутлар ҳам тополмай чора,
Қорасин етаклар бамисли ини.

Гуллардаги хорлар корини қаранг,
Бол йиққан арилар нишида оғу.
Сув - нажот, сув - ҳаёт, усиз аҳвол танг,
Ногаҳон селлар-чи ададсиз қайғу.

Башар наслига-да кўчмиш бу ҳолат,
Дилларни забт этмиш эгизак қутб:
Оқликни англатса эзгулик фақат,
Ёвузлик яшайди қора занг ютиб.

Дунё юзин кўрди нега қора ранг,
Усиз жаннат ўрнин босмасми замин.
Усиз умр сизин қилиб сержаранг,
Одамзот қувмасми саробга гамин?

Ўйлар водийсида чопаман гирён,
Ва охир жавобдан топаман паноҳ:
Оқликнинг қадрига етсин деб инсон,
Қорани яратиб қўйибди Аллоҳ!

2002.



БУЮКЛИК ЭШИГИ

Давр ўтаверар оқин сув каби,
Метин қасрлар ҳам боради чўкиб.
Кечмишга муҳрини босмоқ матлаби
Хотира яшайди ёғдулар тўкиб...

Тошу тарозиси аслида ҳақдан,
Қисматлар қадрига ҳакамлиги рост.
Яхшига тўн бичар албатта оқдан,
Ёмонга тун рангин илинмоқ ҳавас.

Буюклик мақомин сарвари ўша,
Топинар суюкли инсонга фақат.
Бунда эл толеи мезон ҳамиша,
Аллоҳдан тиланган беназир неъмат!

Шу боис аллома нур оғушида,
Бошга кўтарилган шоири замон.
Осойишни деган ўнгу тушида
Саркардалар номи тилларда дoston...

Меҳр инган сафда кўринмас сира
Дунёни титратган не-не фотиҳлар.
Заковат чироғи булганми хира,
Кетмон қолиб нега ушлаган тиглар?

Уларга мардлигу зеҳн ёр эди,
Лек жангга ундаган ҳукми залолат.
Оқибат орзуманд жонлар куйинди,
Муҳаббат уйини қуршаган нафрат...

Буюклик эшиги очиқ доимо,
Икки қанотида адолат посбон:
Зулмкор йўлига ғов қўйса илло,
Эзгулик соҳибин чорлайди ҳар он!

2004.

БУ ОЛАМДА ЖАННАТ ЯРАТДИ...

Тўрақўргонлик машҳур бағбон
Абдужаббор ота Юсуповни эслаб

Борлиқни унутдим кирганда боққа,
Мўъжиза сеҳридан вужудим ёнди.
Гўзаллик қидириб борманг узоққа,
Бугун узумзорда жаннат уйғонди!

Токлар қад ростлабди алп йигит мисол,
Сурхлари мафтункор париваш эулфи.
Ифорлар елига қанот берар бол,
Очилиб кетибди саҳоват қулфи.

Хусайни эканми шунчалик там-там,
Олтин ҳам ҳижолат ҳусн талашиб.
Тамида борики ширинликлар жам,
Арзир донасига келсанг тоғ ошиб...

Соҳибин сўрсангиз этайин ошкор,
Худо назар қилган оқсоқол эди.
Меҳр балққан умри заминга пойдор,
Она сути каби ризқ ҳалол эди.

Ҳар бир ниҳол ўғил, қиздай мукаррам,
Авж тилаб тер тўкмоқ бўлган ҳунари.
Салкам юз йил яшаб қўйганида ҳам
Суюк ошёнидан кетмаган нари...

Байрамни эслатиб қўяр энди куз,
Ҳамюртлар оёғи узилмас бундан.
Тўйлар дастурхонин жамоли кўз-кўз
Ўзбекистон ҳавас қилган узумдан!

Экканнинг ҳаққига ўқишар дуо,
Таҳсинни аяшмас солиҳ одамдан.
Олқишлар поёнга етмайди, зеро,
У жаннат яратиб ўтган оламдан!

2002.

Хаёт тилсимларин ечмоқ осонмас,
Ғам келса шодликдан кечмоқ осонмас,
Дўст берган оғуни ичмоқ осонмас,
Умидга қулфлар солмасанг бўлди.

Ногаҳон қиличин суғуриб қиндан,
Ғанимлар чиқишса ис босган индан
Ва бошга тўфонлар ёғдирса киндан,
Бемажол чол каби толмасанг бўлди.

Отдан тушсанг агар, куюнма ҳеч ҳам,
Икки оёқ билан яралган одам.
Қарагин, от минган қанча муттаҳам,
Шайтон мақомини олмасанг бўлди.

Аёзни енгмоққа етсин бардошинг,
Гарчи аччиқ ёвуз касридан ошинг.
Адолат зиёсин сочган қуёшинг -
Элинг назаридан қолмасанг бўлди!

2003.



ИРМОҚ

Укам Аюбхонга

Оқ чўққили тоғ огушидан
Гувлаб оқар ўйноқи ирмоқ.
Меҳр балқир ҳотам тўшидан,
Нафасидан яшнар ҳаммаёқ...

Яйлов кутар энтикиб кун-тун,
Одимини гуллар олқишлар.
Ҳаёт сувин эмгани учун
Қўшиқ тўқир шаънига қушлар.

Экинзорга кирганида жон,
Етилганда боғлар аро бол
У онадек бирам қадрдон,
Ато этар отадек иқбол!

Мисли нурга зиёлар пойдор
Қўшилади чашмалар бир-бир.
Нўхтасини узади анҳор,
Ирмоқ ила пайванддир тақдир.

Шу ирмоққа кўз тегмасин ҳеч,
Дарё бўлсин охир, илоҳим.
Замин кутсин - бағрида соғинч,
Эл корига ярасин доим!

2002.



ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ

Субҳидам уйгондим булбул сасидан,
Яна гўзалликка энтикиб қолдим.
Ҳолим қуриб шаҳар дим ҳавосидан
Она Олмосимга кўз тикиб қолдим.

Балиқлик сувидан ичдим қонгунча,
Ўрик гулларига босдим юзимни.
Еллар ҳам оромбахш бўларми шунча,
Жаннат боғларида кўрдим ўзимни.

Дўстлар кучоғида чарақлар қуёш,
Қуёшки, нурида меҳр қаноти.
Отам дуосидан кўкка етди бош,
Волидам сўзидан тотдим бол тотин.

Имлади беғубор болалик ёди,
Кўм-кўк адирларга қўяман қадам.
Эзгуликка ташна дилим муроди -
Бойчечак васлидан дийдаларда нам...

Бу эмас қайғуга эмақдош хутба,
Севинч аллалаган кунга шукрона.
“Киндик қонинг томган ерни унутма!” -
Дея қалбда балққан унга шукрона...

2003.



ИБН СИНО

Гуржистонлик ёзувчи аёл Салдадза Ибн Сино қабридан олинган чиндим тупроқни тумор қилиб, ихлас билан бўйнига тақиб юрган экан.

Ҳокингизни суртай кўзимга мен ҳам,
Илҳомни индирай сўзимга мен ҳам,
Фахрни ини дей ўзимга мен ҳам,
Элимга виждонсиз ҳам шонсиз, Ҳазрат!

Инсон боласини суйдингиз чиндан,
Дард чекса отадек куйдингиз чиндан,
Туну кун малҳамлар қўйдингиз чиндан,
Меҳр дарё бўлса, уммонсиз, Ҳазрат!

Битган китобингиз қўлма-қўл бугун,
Шифо таратади йўлма-йўл бугун,
Сиз эккан гиёҳдан бўстон чўл бугун,
Ҳар уйда ардоқли меҳмонсиз, Ҳазрат!

Аҳли тиб барингиз тутса не ажаб,
Ҳаваслар ортидан ўтса не ажаб,
Авлодлар соғиниб кутса не ажаб,
Мангуга соҳиби замонсиз, Ҳазрат!

2002.



ИККИ ТАҚДИР

Нафақага чиқди икки танишим,
Амал курсисида умрлар кечган.
Бири эл юмушин атаган ишим,
Уни деб жумбоқлар асрорин ечган.

Ёғду сочган кун-тун кўнгил чирोगи,
Ҳаттоки кулбалар қаърин ёритган.
Собит тура олган сафда тўй чоғи,
Мотамда мунглига адл бел тутган.

Нафсига тизгинни солганлиги рост,
Бировлар ҳақидан айлаган ҳазар.
Отаси уйда қолганлиги рост,
Кошона дарди ёт, ётдир сийму зар.

Бугун-чи, қарибди, фариштали чол,
Кўрганлар шодлигин наҳр этарлар.
Мисоли тўкилиб лабларидан бол,
Оғушга босишдан фахр этарлар.

Илиниб турарлар уйларин тўрин,
Маслаҳат бошида отадек ўктам.
Баҳам кўришади мудом ҳузурин,
Суянчиқ - инганда дийдаларга нам.

Ўзгаси ўзини ўйлаган танҳо,
Ночорга қўл чўзмоқ йўқ хаёлида.
Даври ўтган базму жамшидлар аро,
Қул бўлган пул отлиғ иблис олдида!

Энди эса ҳукм сурар ғайри ҳол,
Бир ҳолки, асрасин ундан Худойим.
Қўл учун берарлар келгандек малол,
Сўрашмоқ аҳдида талпинса доим.

Давралар қаршилар хушламай аксар,
Гапи гапларига кетмас қовушиб.
Ўзин тоқ йўловчи янглиғ ҳис этар,
Гўё чўлда қолган поезддан тушиб...

Алқисса, берибди икки хил тақдир,
Кексалик фаслида қодир Ҳакам ҳам:
Бири меҳр нури тушган маёқдир,
Бириси қаҳрдан сўнаётган шам!

2002.

ЧИРОҚ

Устоз Нуриддин Бобохужаев хотирасига

Ярим тун, "тиқ" этган товуш йўқ,
Борлиқ ҳам сукутдан иборат.
Лутфда бийрона тил дудуқ,
Туманлар ичинда дил карахт.

Йўлимда бир чироқ ёнарди,
Нурини тўкарди аямай.
Ёр эди муқаддас шеър дарди,
Наволар қиларди лабда най.

Бугун-чи излайман сарсари,
Ногоҳон қалқади кўзда ёш.
Қани у саҳоват сарвари,
Меҳрдан яралган олтин бош?!

Боғ кўча оралаб кезар ғам,
Изғирин заптида хазонлар.
Соғинчдан суйгани анор ҳам
Ёрилиб кетибди бу онлар.

Лек юпанч уйғотар ўзга ҳол,
Ёнимга киради нажотлар.
Хуш назми улашар элга бол,
Кўшиқлар авжига қанотлар!

У чироқ ўчмаган, боқсанг гар,
Узоқдан порпираб турибди.
Сочгани фарахбахш зиёлар
Қалбларга ошиён қурибди.

2002

АХСИКЕНТ

Айни ёз фуснкор боғлар кезмадим,
Қушлар нағмасига сезмадим рағбат.
Кўҳна Аҳсиқентга ташладим одим,
Чорлади замонлар ошган синоат.

Бунда ел мудраган сукунатга дуст,
Ўзга сас, нафасдан асло йўқ нишон.
Илон изи йўллар бошлайди маънос
Оғзи очик қолган ўпқонлар томон.

Ерни ҳам авайлаб босаман, пастда
Асрий обидалар ётипти, ахир.
Бу оддий чўпчакмас, жаҳон ҳавасда
Кўзларин тиккани - ноёб жавоҳир!

Хаёлим иплари узилар ногоҳ,
Гўё рўбарўда мозий намоён:
Умаршайх Мирзога асир илк нигоҳ,
Каптарлар рақсига термулар шодон.

Мармар зиналардан тушар ёш Бобур,
Тийрак боқишида ирода ҳоким.
Илкида китоблар - оҳанрабо сир,
Маҳрами ақлини танибди токи...

Қўли гул хунарманд тимсоли бобо
Тирикдай назарим тортмиш, вожаб.
Турибди жилвагар кўзалар аро,
Кўзаки, бўй-бўйлар олимона таъб.

Сафга тизилишар басма-бас, ёҳу,
Заминга жаннатни қўндирганлар ҳам.
У - деҳқон, соҳибкор, танти чўпон у,
Неъматин бор жонзот кўришган баҳам.

Қад керар боқийлик тоғидан ошган
Ҳазрат Асириддин - шеър, илм шоҳи.
Яна шон кўкига номи туташган
Не-не зот пок руҳин эдим гувоҳи...

Хушимга келтирди оқшом чўкиши,
Энди тун кўлкасин солмоғи аён.
Ва лекин эртага қилар Кун ишин,
Атроф табассумдан булар чароғон.

Яқиндир муборак айёми азм,
Асрорлар тугунин ечар бус-бутун.
Ушанда тупроққа айлаймиз таъзим,
Бисотин онадай сақлагани-чун!

2003.

* * *

Дўст аҳлини ҳизрдай кутдим,
Қалб кўрини минг бўлиб тутдим,
Кўзига нам инса, овутдим,
Нега, меҳр қайтмайди энди?

Савоб излаб юрмоқ муддао,
Озор елин буриб чўл аро,
Вафо сеҳрин ёр этдим, аммо
Нега, сеҳр қайтмайди энди?

Ном чиқардим наҳри рафиқ деб,
Кўлмак ишин ҳеч кўрмадим эп,
Баъзан қолдим қалампирлар еб,
Нега, наҳр қайтмайди энди?

Тун кўлкаси ёғилса кундан,
Бўғилсам гоҳ бадбин тутундан,
Мендан-кўкси ғамнок тугундан
Нега, қаҳр қайтмайди энди?

Ёвузликка бўлмасам шайдо,
Хун завқидан ор айласам ё,
Айтманг солиб қийноққа асло:
“Нега, ахир, қайтмайди энди?”

Эзгуликка қанотман абад,
Рози зрса Тангрим оқибат,
Бу саволга қолгайми ҳожат:
“Нега, фахр қайтмайди энди?!”

2002



ЁШ ШОИРГА НАСИХАТ

Дилинг оппоқ қоғоздир, укам,
Гард юкмаган, шукрки, ҳали.
Насихатим айтийин, зотан
Келмасидан минг синов гали.

Пешвоз чиқар ёсуман ёғий,
Ҳушёр тортгин, таъмадир номи.
Тушиб қолсанг домига, боғинг -
Йўлларингга тўшар хазонни.

Куйласанг-да авж пардаларда,
Товус мисол турлансанг ҳам гар,
Эвоҳ, ортдан ё давраларда
Суллоҳлигинг мазах қиларлар!

Минбар излаб чопма саргардон,
Эмассанку дайди шабода.
Қадамингга гул тўшар, ишон,
Эл қалбига кирсанг мабодо.

Бил, бўй эгар мевали ниҳол,
Дон кўкдамас, ерда ниш урган.
Ҳатто ҳассос Миртемир кўп ҳол
Гурунларда қимтиниб турган...

Поклик сўзи тушса вараққа,
Жило эмсин оқ сут рангидан.
Бадкор ёзса ҳалоллик ҳақда,
Демак, қалби жудо Тангидан!

Садоқатни этсанг тараннум,
Вужуд жўшсин эзгу сафодан.
Мисралар ҳам йиғлайди юм-юм
Хиёнаткор ёзса вафодан.

Кўшнинг зрса бурда нонга зор,
Бахтиёрман! - дея урсанг бонг,
Оҳ, нақадар имонинг ночор,
Нурга ташна сен қуйлаган тонг!

Ватан меҳри унсин юракда,
Ва сатрингга бўлсин омухта.
Мақтовларинг шишса пуфақдек
Илҳомингга қўяқол нуқта.

Шеърни кўнгил ҳукмидек туйғил,
Тилга кирсин севинч, андуҳлар.
Ёлгонларнинг кўзларин ўйғил,
Қўллайверсин ҳақпарвар руҳлар!

2002.



Журналист Файзуллахон СИРОЖИДДИНОВ
60 ёшга тўлганда

Меҳнатнинг ёмони бўлмайди асли,
Мукаррам этмоққа садоқат жоиз.
Ўшанда восилдир шон-шараф васли,
Ўшанда абадий қоладиган из...

Қачонки умрга у берибди зеб,
Фикр уммонида сузганингиз рост.
Кўзларни қувнатсин саҳифалар деб
Макетни минг бузиб, тузганингиз рост.

Уйқусиз кечди-ку тунлар аксари,
Гоҳида бурда нон энг тансиқ таом.
Чопдингиз ҳамиша елдек сарсари,
Мурод - элга етсин оташин калом!

Ўзингиздай тийрак ёзганларингиз,
Гўё бол уфириб турар нафасин.
Маҳорат баҳсида ўзганларингиз
Не ажаб, келтирса кўплар ҳавасин.

Лек, ақл измида собит турдингиз,
Ўтмадингиз гурур остонасидан.
Шукурлар қилингким, эмассиз ёлғиз,
Ўпгансиз омадлар пешонасидан!

Суюкли шогирдлар ҳозир у нозир,
Мухлислар меҳридан оласиз ҳовур.
Аслида шундайин яшамоқ создир,
Шундайин тақдирга лойиқ ташаккур!

Кекса дейиш сизга келади малол,
Қомат тик, чеҳрага йигит хусни жо.
Майлига, юз ёшда қўйворинг соқол,
Асо ушланг, бўлиб Файзулло бобо!

ТҮРТЛИКЛАР

Яхшилик қўшигим-суюк унимдир,
У менга аввалу охир қўнимдир.
Бировга ёмонлик тиламам ҳеч ҳам,
Аҳдимдан айрилсам ўлган кунимдир.

* * *

Баъзилар меҳри йўқ, меҳр сўрарлар,
Афсунгардан сароб сеҳр сўрарлар.
Аслида сувга зор сой маҳомида,
Лек гиёҳ ундирай деб ер сўрарлар.

* * *

Ватанни сотган кас беимон бўлгай,
Эл кўксида унсиз минг фиғон бўлгай.
Ногаҳон довуллар, селлар бежизмас,
Ҳатто табиатда галаён бўлгай.

* * *

Макруҳ бойлигинг-ла керилма, гофил,
Умри қисқа унинг, берилма, гофил.
Энг ёмони, тагин эл нафратидан
Сувдаги пуфақдек ёрилма, гофил!

* * *

Сен поксан эй рафиқ, хонадонинг пок,
Пешона тери-ла топган нонинг пок.
Садоқат, диёнат, меҳр - қанотинг,
Демак, тонгга туташ ўтар онинг пок.

2000.



ТИЛАК

Жон қушим учди десам, қайтмиш яна дил боғига,
Жўш уриб туйгуларим сигмас наҳр қирғоғига.

Абри тун тўккан эди бошга аламлар жоласин,
Ашкими кўздан қувиб, ёр айладинг тонг чоғига.

Марғуби дилдорасан, овлаб кўнгил овворасан,
Маъмури обинг нажот, эркам, умр япроғига.

Имлагай кўм-кўк чаманлар интизор оғушига,
Ишқилиб қўймай қадам энди фироқлар тоғига.

Лоларанг чеҳранг меҳр офтобидай сочсин зиё,
Лаҳни шодлик жон киритсин кулбама ҳар ёғига.

Асли ишқда Эрмуҳаммад соҳиби кошонадир,
Анда сен ҳам бўл муяссар оташин ардоғига!

2001.



ГУЛЗОРДАГИ ВОҚЕА

Кучга тўлган чўчқа ногаҳон
Қўрасини бузиб юборди.
Ҳайвонлигин қилиб намоён
Эгасини сузиб юборди.

Чопа-чопа гулзорга етди,
Гулзор надир билмайди, аён.
Қургур, ботқоқ дея фахм этди,
Емиш излаб бош урди ҳар ён...

Туймас эди турфа гул атрин,
Ранглар сеҳрин сезмайди буткул.
Айта туриб муҳаббат сатрин
Ушбу ҳолдан мунгайди булбул.

Ерни топтар ҳаром оёғи,
Тумшуғидан боғ кўкси пора.
Боғбон олиб қўлга таёгин
Уни қувлаш билан овора.

Ғазабининг чеки йўқ асло,
Авж пардада сўкар дамо-дам.
Ажаб, ўйлаб кўрмайди аммо
Бу чўчқа-ку, эмас-ку одам!!!

2002.



АЙТИЛМАГАН ЭРТАК

Қадим-қадим замонда битта шоир ўтибди,
Пичоққа-да соп бўлмас умр бўйи битгани.
Лекин бойлик бобида элдан ўзиб кетибди,
Кеча-кундуз қўй ёғи, барра кабоб ютгани.

Сабабини билсалар маддоҳликдан олмиш сир,
Авраганда чиқаркан ҳаттоки илон индан.
Таъма қушин қанотин керса борми, барибир -
Экан унга ризқ термоқ узоқданми, яқиндан!

Зиёфатга айтсалар оч тевадай чўқаркан,
Дастурхонда қолганин элтар экан уйига.
Ақча сўраб дардини киборларга тўқаркан,
Ундираркан ўлпонни мотамгаю тўйига...

Еган оғиз уялар: қасидалар тўқиркан
Бўза ичиб кулбада бўз тўқиган устадай.
Зулм исмин, воажаб, адолат деб ўқиркан,
Хушомадлар гуллаган оғзи хандон пистадай.

Охир сабр дарахти хазонларни сочибди,
Эл панага урибди ўзни ёғий босгандек.
Учраса чеҳралардан қонлари-да қочибди,
Қаҳратон қиш изғирин қўнғирогин осгандек...

Алқисса, туташганда умри ажал барига,
Аймоқ учун етибди хазинаси йилларга.
Ёзгани сингган бўлса ҳамки сароб қаърига,
Давр оша тушибди очкўзлиги тилларга...

Туғилмасин, илоҳим, бундай эртақ сира ҳам,
Шеърият салтанатин кул айлаган Хира ҳам!

2002.

БОРДИР

Ишонма боғи-рогинг, молу мулкинг, тахту бахтинга,
Қуёшдан ибрат олгил, турмайин охир ботар бордир.
Ҳазиний.

Бугун шонга мушаррафсан сотиб не-не орифларни,
Бироқ тулки иши ифшон, ўзингни-да сотар бордир.

Асал тотган жунунлардай гурур кайфини сургайсан,
Риёкорни кутар қисмат - алам захрин тотар бордир.

Ёруғ диллар уйин пайҳон қилибди ниши пайкониинг,
Келар онлар, нишон-қўксинг, сенга пайкон отар бордир.

Учарсан гоҳи варрақдай фазо тоқида шох ташлаб,
Қоғоздан у, ювиб ёмғир охир чоҳга ботар бордир.

Бино қўйма лавозимга, авомлар деб фуқарони,
Фақир бўлсин ва ё хоқон қаро ерда ётар бордир.

Назар сол: сувга ҳам гулхан ҳарорат берса мўъжиза,
Аёз ногоҳ қутирганда ғариб тошдек қотар бордир.

Демак, эзгу амалларга ҳамоҳанг эт шуурингни,
Бу гафлат хобидан балки савоб-чун уйғотар бордир.

2002.



ТУТИ

Табиат товланар минг хил бўёқда,
Офарин айтасан ижодкорига.
Бу гал фалсафани суриб бир ёққа,
Сўз бурдим қушларнинг ажиб корига.

Қаранг, ўхшамайди бири бирига,
Турфа куй запти бор овозларида:
Дунё торлик қилса гоҳ сурурига,
Гоҳ фиғон чекар ғам аёзларида..

Шунда чертиб қолар юрак торингни,
Ҳисларинг бетизгин уради жавлон.
Хаёлдан фаромуш этиб борингни,
Яйрайсан ёки ёш тўкасан гирён.

Аммо толдиради гаройиб ҳолат,
Пароканда айлар фикримни бир қуш.
Тўти деб қўймишлар бинойидек от,
Кўрсанг ангоридан маъюсланмас хуш.

Афсуски, ўзича сайрай олмас ҳеч,
Сафоси, жафоси саробдек ниҳон.
Хўжасин кутади эртаמידир кеч,
Хорғин нигоҳлари доим нигорон...

Унга ҳукм вожиб, тор қафас насиб,
То тирик четланмас қайсар изндан.
Билъакс ризқини қўярлар қисиб,
Ё пичоқ чиқади ногаҳон қиндан.

Ҳеч жонзот бошига тушмасин бу кун,
Фараҳманд учмоққа ўнгу сўли йўқ.
Десалар тунни кун, ҳатто кунни тун,
Такрор этмоқликдан бошқа йўли йўқ.

Ажабо, орланмас кўргулигидан,
Уринар янада чечан бўлмоққа.
Куймасдим сўз айтса ўзин тилидан,
Вақ-вақлаб турса ҳам мисли қурбақа...

2004.

"УЛГАЙИШ"

Ишчи эди, бир йил ўтмаёқ,
Касб бошини маҳкам тутмаёқ
Уста бўлди, бошлиқни маёқ,
Ўзни гўл деб туришни билди.

Қаранг, бирдан улкан цехга бош,
Ғурур йўлдош, сурурлар йўлдош.
"Қатта"га тоғ, "катта"га кўз-қош,
Ўзга ризқин теришни билди.

Гар алифни калтак деса ҳам,
Муҳандислик тегди ростакам.
Ошноларин ёнга қилиб жам,
Ётни эса суришни билди.

Раҳбар учун энди у жумбоқ,
Юзга боқиб, қазийверар чоқ.
"Юқорига" тиз чўкиб суллоқ,
Бунда қомат керишни билди.

Бошлиқ ўрнин олди ниҳоят,
Лекин олға интилар фақат.
Амал эрса баланд иморат,
Зинапоя қуришни билди.

Муродлари ҳосил бўлажак,
Чўнтаклари албат тўлажак.
Олдда кутар ёрқин келажак,
Чунки олиш-беришни билди.

1998.



Туғилиб яхшилик қилдингми сира,
У ўзи нимадир билдингми сира,
Бир он тоза сувдай тиндингми сира,
Сукутдан бошинг ҳам, тўқимтабиат!

Қонингга омухта не-не доғулар,
Чўлдаги илондек солдинг оғулар,
Жон берди бегуноҳ қанча оғулар,
Қилмишинг дарду ғам, тўқимтабиат!

Ёт эзур ҳузурбахш булбул ноласи,
Хандон гул - фусннинг эрка боласи,
Лиммо-лим тошган ул бахт пиёласи,
Одаммисан сен ҳам, тўқимтабиат!

Унутма, бандасан, сафдасан, ахир,
Амал курсисида - кафтдасан, ахир,
Ҳушомад балқиган тафтдасан, ахир,
Ўткинчи ушбу дам, тўқимтабиат!

Кимки бадкирдордир тақдири аён,
Қасос гурзисидан қолмагай омон...
Кетар чоғинг Кунмас, зулмат бегумон
Дўстдай тутар мотам, тўқимтабиат!

2003.



ДЎСТЛАР

Ҳангома

Бирга экан икки дўст
Кўпдан-да жамоатда.
Бирин фаҳми дубдуруст,
Лек қисилган қоматда.

Ўзгаси норғул ўсган,
Аммо ақл заифроқ.
Сархушликка ён босган,
Юмушда доим оқсоқ...

Бўшар чоғи директор
Қувлик қилиб кетибди:
Урнига уни сардор
Дея тайин этибди.

Томошаларнинг бари
Бошланибди шу ондан.
Мисли дарё тескари -
Оқар тошиб тўғондан.

Боғ мавзу зрса гапга,
Келарди бошлиқ тоғдан.
Булбулмас, гўё ҳаққа
Сайраб турар бутқдан.

Ниҳоят, бақир-чақир
Одат тусин олибди.
Ўртадаги ҳурмат-сир
Архивларда қолибди.

Дўқ урибди мастликда
Жўрасига ҳам, қурғур.
Муштар егач, дўстлик-да,
Қиптилар “узр-маъзур”:

- Сал аясанг нетарди,
Гурраку бошим, хумпар.
- Шукр эт, чайқаларди
Бўлганда миянг агар!

2002.

ЯНГИ "БОЙ" ҲАҚИДА ҚИССА

Ним ҳазил

"Осилсанг-да баланд дорга осилгин",
Мажозий маънода айтилган гап бу.
Асли йўқ пичоққа бичиларкан қин,
Бу нақл бошларга ёғдирар қайғу.

Елиб югурдию қўшним тушмагур
Машҳур бойга қуда бўлди ниҳоят.
Қудаки, савлатда, давлатда ёвқур,
Машина - эгизак, қаср - иморат.

Ундан ортда юриш эмас-ку матлаб,
Муҳташам уй қурмоқ айни муроди.
Йиллар ўтди заҳмат юкин орқалаб,
Гумашта - афсунгар гурурга ёди...

Гуллади охири орзу гунчаси,
Кошона қаддига ўқийсан таҳсин.
Қўш-қўш гилам гўё қуёш парчаси,
Сиркор эшикларда кўринар аксинг.

Пардасин босишни билмайди ҳеч ким,
Лек тўрдан жой олди пианино ҳам.
Таратиб туради жаннатий насим
Ҳовли фариштаси - фаввора там-там.

Янги қариндоши не қилса ўрнак,
Теннисга ошуфта - эғнида шорттик.
Билмаса ҳам машҳур Пелени сўтак
Футбол пайти чапак чалар туриб тик...

Зиёфатлар бари тонгларга туташ,
Оташ каломлардан томчилайди бол.
Наздларда мана шу инсонча яшаш,
Мана шу орзиқиб кутилган иқбол!

Ҳаммаси яхши-ю аммоси бор-да,
Қарз дегани итдай болалар экан.
Ўзини қўяйлик, кўпларга ёр-да,
Фоиизи қамчидек савалар экан.

Буёқда рўзгорнинг ғор оғзи очиқ,
Бўш қоп тикка турмас, ахир, ҳеч қачон.
Дам ичда, бировга туёлмас аччиқ,
Этига ёпишиб борар устихон...

Кўшним баланд дорга осилган эди,
Бугун маҳкум алам жазавасига.
Ишқилиб, Худойим қўлласин энди
Тушганда бойларнинг аравасига!

2003.



ИМПОРТ КҮЙЛАК

Чегдан келган кўйлак бозорда,
Оддан деманг лак-лак бозорда,
Нафс нисоли хандақ бозорда,
Мингга сўмга ёт кўлга ўтди.

Харидор ҳам эмас анойи,
Шу ер, ахир, кўкарган жойи.
Гювенглатиб маккорлик тойин
Ўннга ўтди, гоҳ сўлга ўтди.

Мақтовини келтирди там-там,
Бунақаси эмиш ноёб, кам.
Устга кўйди юз элликни ҳам,
Энди эса Норкулга ўтди.

Бизда буни олгучи мўл деб,
Ўз-ўзинга қани, бўл-бўл деб,
Қаердасан ҳой Ойдинкўл деб,
Шоша-пиша тош йўлга ўтди.

Бир-бирини товламоқ мода,
Буш келмади у ҳам савдода,
Икки юз сўм қолиб ҳар ҳолда
Тижоратчи Ёркулга ўтди.

Ундан олди Жўраси шодон,
Жўрасидан Тўраси шодон.
Икки мингга нархи чиққан он
Дастурхончи Ойгулга ўтди.

Шундан кўйлак кезди тўйма-тўй,
Мақтовлардан безди тўйма-тўй,
Тақдир ҳукмин ёзди тўйма-тўй,
Энг олири "утел"га ўтди...

Шундай бўлса бозорлар озода,
Шулар бўлса ишбилармон, дод!
Савдогарлик қадри ҳам, ҳайҳот,
Ерга тушиб, бир пулга ўтди.

"ШАПКА"

Деҳқон юклаб сабзи-пиёзни
Йўлга чиқса бозор тарафга
Калтагина қилиб гап-сўзни
Назоратчи олибди "шапка".

Ошнам кирса банкка қарз сўраб,
Радди қонун, илож йўқ, депти.
"Шапка"сини узатса, ёраб,
Энди дўстмиз, тасаддуқ, депти.

Бошлиқ чорлаб ёнга шогирдин
Ўстирмоққа қипти ишора.
У ҳам дилда сақламасдан кин,
Шу "шапка"дан топибди чора.

Солиқчиман дея лоф урган
"Шапка" кўрса тортмиш мулойим.
Шоҳидамас, баргида юрган
Божхонадан ўтармиш доим.

Қўлга қарар шифокор бугун,
Боғча опа ёнар таъмада.
Эвоҳ, "шапка" дарди инчунун
Илдиз отмиш қанча танада...

Бу кўргилик эмас экан сир,
Шоир сўрар эли номидан:
- Қачон ва ким тутади, ахир,
Нафс қулларин гирибонидан?

ФАВВОРАЛАР

Атрофи кимсасиз
фавворалар қаршисидаги ўйлар

Фавворалар, фавворалар,
Бағрингизда минг толалар
Сокин ҳавони поралар,
Шиддат нечун, парвоз нечун?

Қомат керибсизки, ажаб,
Атрофда йўқ соҳиби таъб,
Айтмиш биров бурганча лаб:
- Эртакка хос эъзоз нечун?

Дабдабага кўйган ҳавас
Эл ҳолидан воқиф эмас.
Мева ўрнин босганда хас,
Боққа, ахир, саз ёз нечун?

Ҳозирча бахт армон эса,
Орзугина дармон эса,
Қийноқда қолган жон эса,
Пардоз нечун, андоз нечун?

Келгай замон жаннатмисол,
Кунлар қатидан томса бол,
Албатта, бўлгайдир савол:
- Фаввора қургин, оз нечун?

2003.

ИККИЛИКЛАР

Билгил, юксиз арава ҳар он
Юрар солиб шовқину сурон!

Гул ошиғи, гул ҳавасманди
Гул ўрнига тош экар энди...

Қалам ёлгон ёзгани учун
Соҳибини қарғайди беун...

Инсоф берсин мажлисбозларга,
Ишлаш учун вақти “оз”ларга!

Ашъор ёнсин алам ёғида,
Мол боқсалар Машраб боғида!

Фаришталар, нега дилни сиз
Шайтонларга очиб қуйдингиз?!

Кошоналар ёнида майиб -
Мактаб турар ночор мунғайиб...

Шоир зрса таъмага ғулом,
Елга учар у айтар калом!

Чанг ичида инграса китоб,
Хира тортиб қолмасми офтоб?

Тулкисифат дўстгамас, укам,
Мардга суян ғаним бўлса ҳам.

Ваъзхонликлар баёни - қоғоз,
Бардошингга ёзай поёндоз!

Булбул сайраб турган шоҳга гоҳ
Қорашақшақ қўнаркан ногоҳ...

Кетмай она сути оғзидан
Тотди макруҳ данак мағзидан...

Умр бўйи мақтаниб ўтди,
Ўзлигидан ҳам тониб ўтди.

Қаёқларда қолдинг, эй ҳаё,
Келгил, кўзга айлай тўтиё!

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА МАҲАММАСЛАР

Кўмсабон васлини дилда мингта армон, йиғладим,
Ўзда йўқман, мажнунона гоҳ паришон йиғладим,
Жон керак бўлса агар олгин дея жон йиғладим,
Кеча ул маҳвашни ёд айлаб фаравон йиғладим,
Меҳрим ошти субҳдек ҳар нечаким қон йиғладим.

Хас каби ёнди вужуд саргашта жоним ўтидин,
Зил юкин ортган ўшал кечганки оним ўтидин,
Вожаб, тўлғонди ер боссам тавоним ўтидин,
Шаъм аввал оқшом-ўқ куйди фиғоним ўтидин,
Ким мен ўт сочқон булутдек тортиб афғон йиғладим.

Байтларим учмас суҳандин, унга, звоҳ, мум тўла,
Нурли манзил ихтиёрмас, йўлларимга қум тўла,
Ашкими уммониға тўфон солар қайғум тўла,
Тун қоронғу, кулба хилват, ҳажридин кўнглум тўла,
Тош уриб кўксумга то бор эрди имкон йиғладим.

Эй фалак, қоши камон, ой чеҳрали маҳрам қани,
Кўз қароғим ичра қолгай сеҳридан ўт ёққани,
Не иложким дардни билмас бошқа бўлса гар тани,
Ёр ҳажридин кишига айта олмас гуссани,
Кўнглум этти шарҳу мен маҳжуру пазмон йиғладим.

Мисли тупроқ навбаҳор соғинчига тўлсам, не тонг,
Мангу гул деб мадҳин айтар андалиб бўлсам, не тонг,
Хотирин ҳам бўйнима қутлуғ тумор қилсам, не тонг,
Субҳдек хуршид васлидин агар кулсам, не тонг,
Менки субҳи васл учун кўп шоми ҳижрон йиғладим.

Гар сабо огоҳ эса элга ёярди неча бор,
Сув бўлиб оққаймиди оҳим ўтидин балки қор,
Эрмуҳаммадни кўриб куйлар эди тор нолакор,
Эй Навоий тош зшитса навҳа қилгай ошкор,
Йўқ, ажаб, гар бир тун ўз ҳолимга пинҳон йиғладим.

Ногаҳон кўнмиш, ажаб, мунгли наволар бошима,
 Атри гулмас, қаҳратон инган ҳаволар бошима,
 Келмасин деб гаҳ эдим не-не даъволар бошима,
 Ваҳки, келтурдунг фироқингдан балолар бошима,
 Ул балоларданки қочтим, келди олар бошима.

Қоматим тик, жабри зарби то тирикман йиқмағай,
 Обизамзамдек киши ичган сари қониқмағай,
 Қора суртса завқи йўқ асло юзимга юқмағай,
 Сарвақдларнинг таманноси бошимдан чиқмағай,
 Қаҳр этиб, эй шайх, синдурсанг асолар бошима.

Гоҳ тафаккур бўлса ялдо кечасига мубтало,
 Кимсасиз қолмоқни кўнгил истаб этса илтижо,
 Хасталик захрини ютсам михланиб ўрнимга ё,
 Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимга юз бало,
 Кўп бало келтирди бу юзи қаролар бошима.

Таъналар учса ёйидин тирини синдурмадим,
 Қуйсалар сув остима гар лойқадир тиндурмадим,
 Кин, ахир, қолсин инида, сарбасар ундурмадим,
 Ишқ аро гаҳ-гаҳки эл пандиға бош индурмадим,
 Келди турлук-турлук ондин можаролар бошима.

Тоабад тил сўзлагай соҳибжамоллар нақлидин,
 Бокира туйғулари чин эҳтиёж-ороми чин,
 Юз буриб ундан одам толега ҳам ноилмикин,
 Муддаолар бошима тушгунча ҳар дам ақлдин,
 Келса хушроқ ишқ тиғидин яролар бошима.

Қалбим осмонида учсин эрка ишқ бургутлари,
 Ҳеч зрур ўйнашма ўт бирлан деган ўғитлари,
 Эрмуҳаммад, тўзса шод дилдор учун жон иплари,
 Қўйида ўлди Навоий, қочти ондин итлари,
 Йўқ эди ўлганда ёру ошнолар бошима.

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Оқибат отида юр, мушфиқу султон кетмасун,
Ғам-аламга рўбару бўлсанг-да, ҳар он кетмасун,
Ақрабо, дўстлар тараҳхуми паришон кетмасун,
Эй касал, бошингни ур, ёнингдан Луқмон кетмасун,
Ҳеч ким мендек бугун чоку гирибон кетмасун.

Шукр этмоқ машқини ол, хушда сен пояндасан,
Барча жонлиқ хайрат ичра боққани айвондасан,
Балки олам сарварига энг суюк арзандасан,
Онқадар зикрига мойил бўл, агар чин бандасан,
Хонайи кўнгулни танг тутма, бу меҳмон кетмасун.

Ким ҳаромхўр, ким ҳалол меҳнат ила олмайди тин,
Куррамиз бедор экан, эл наздида кундай тайин,
Бадниятлар тоабод қўймасин бошларга ин,
Марг осондур бу йўлда, бандалиқ қилмоқ қийин,
Кетса жон кетсун, вале мўминдин имон кетмасун.

Кўз очиб қилмоқ гуноҳ одам ҳаётин тарзимас,
Учрабон лойиқ жазога боз надомат фарзимас,
Яхшиямки, ул залолат, ул қиёмат қарзимас,
Йўлда қолса, кўза синса арзанига арзимас,
Ҳеч кимни кўзаси дар захми хумдон кетмасун.

Роҳи ҳақдан айри тушсанг шаб ипига бойлағай,
Интиқом асиридек афганда сафга сайлағай,
Йўлама унда шафоат бўзлағай, ҳай-ҳайлағай,
Бандани айбини ким қилди, Худо қаҳр айлағай,
Ҳеч киши дунёдин аммо ғарқи исён кетмасун.

Майдони поклик ароким пахлавондай қад кериб,
Ғойибона нурли жаннат боғларидан гул териб,
Қори эрса сўнггида соялар тушган фириб,
Аввали мўмин келиб, бир лак муридга қўл бериб,
Охири чун Барсисо ҳамроҳи шайтон кетмасун.

Эрмуҳаммад, кўкка бўй чўзмоқни орзу қилмагин,
Ерда очгил басма-бас мардумга комронлик сирин,
Шунда топгайсан умр отлиғ хазина гавхарин,
Барча иш осон эрур, Машрабки, мўминлик қийин,
Беимон ҳеч ким бу дунёдин ғўристон кетмасун.

2004.

ГАЛДИР*

Чўлпон шеърига мухаммас

Эзгу куй асириман, ўзга хузурдан тонаман,
Бахт булоғига қиёс этсам сувидан қонаман,
Ҳамнафас бўлган ҳазор булбул ёнида донаман,
Мен дутор бирлан туғишган, кўҳна бир девонаман,
Ул туғишқоним билан бир ўтда доим ёнаман.

Давра курса қадди доллар суҳбатига зорман,
Уйлабон куйган юрак фарёдларин бедорман,
Лек ғаний-худбинни тарк этмоқ учун тайёрман,
Дилларида ғам тўла бечораларга ёрман,
Вақти хуш, ғам кўрмаганлардан тамом безорман.

Сипқорай шодлик майин деб гоҳи-гоҳ қилсам сафар,
Нолакор сасдан кўнгил армони чандон улғаяр,
Телмурар маъюс, ажаб, ҳаттоки юлдуз-жилвагар,
Мен дуторнинг торларига беркиниб олсам агар,
Пардаларнинг ҳар бири бергай бўлак ғамдан хабар.

Ранг қидирсанг қора мўл, ноёб экан-ку, оқлари,
Олам ичра жуфт жафо, ҳаргиз вафодир тоқлари,
Билъакс ўрлармиди кўкка даҳолар оқлари,
Пардалар узра юриб турган одам бармоқлари
Кўкрагимдан кўп босар, шундан бўлар толмоқлари.

Куй қанот қоқмас сира ошуфта қалбни тигламай,
Бир ўзи сақлар сукут ҳисларга жон бергучи най,
Дилга жўр бўлган замон дунёга доди сиғмагай,
Икки торни қақшатиб, бармоқлар ўтса тўхтамай,
Ғамли ун чиқмас ўшал торларда "галдир" йиғламай.

Йўл ҳам айри қўйни макруҳ пулга тўлганлар билан,
Шу муродда минг яшаб, минг бор ўлганлар билан,
Олға юргим оғушида шамси кулганлар билан,
Йўқ ишим: ҳоким, амалдор, шоҳу хоқонлар билан,
Биргадирман доимо ҳамдард бўлганлар билан.

Она эл эркин дединг, шоир, ўғилдай суйдилар,
Нурли қабринг устига некбин дуолар уйдилар,
Ушбу иқрорингда чин рамзи фидолик туйдилар:
- Аҳли ғамлар мен каби Мажнун сифат галдир бўлар,
Шул сабабдин банданинг номини "галдир" қўйдилар.

2003.

ИККИ ҚУТБ

ДОСТОН

МУҚАДДИМА

Аллоҳнинг карами кенгдир нақадар,
Беназир мўъжиза яратгани ҳам:
Минг тусда товланиб турса олам гар,
Турфа хислатларни касб этмиш одам.

У азим Заминда гавҳари нодир,
Заковат бобида жонзот ичра тоқ.
Қудрати чўққини йиқмоққа қодир,
Таъби эса нозик гулдек айни чоғ...

Бу қуруқ сафсата эмасдир сира,
Жавоби беш қўлдай аёнлиги рост:
Ер қаъри сандиғи унга асира,
Фалак асрорини очар басма-бас.

Кўкўпар бинолар қаддига туташ,
Гулгун боғ-роғларда тарзи намоён.
Тили бўлганида алқарди яккаш
Насиба бергани учун тирик жон...

Аммо ёқа ушлаб қоласан ногоҳ,
Тилсимкор жумбоқлар салтанатидан.
Манаман, дея бўй кўрсатади, боқ,
Оқлик ҳам, қора ҳам борлиқ қатидан.

Улар измидадир қитъа-қутблар,
Бирида оташу ўзгасида муз.
Инсон феълига-да ёр шу битиклар,
Мудом тоқат ила ўқиётир кўз.

Ҳалоллик аталар илк қутб номи,
Бамисли қуёшки, зиёланар дил.
Эзгу ниятларга уйғун давоми,
Пешвоз чиқар толе мужассам манзил.

Ўзга қутб маълум: нафс балоси,
Вабодек кемирар имон томирин.
Кимдаким бўлса бу дард мубталоси
Дарбадар ел каби ололмайди тин...

Элеҳик, Иброҳим бин Аҳмад бир кун
 Макоа болорига куньбди кэдиш,
 Саркил курмомерга болдркен мафтун,
 Куньбди ўзига лойиқ хариди кел.

Кетшида чоклечен онди, ситини -
 Сетидаи нокила мила олибди,
 Чангден форми этиб у ёкибу ёлди
 Шашиниб онанга сола келтибди.

Сунг шадри Куддусни кўзлаб крнбди,
 Тини олмиш ибодитомиди танго.
 Тулда фаршталар унфи крнбди,
 Соминибди сизим борингил аммо.

Аниқ экан унниг маъони, крнб,
 Маъини, амали маъкуллар кудди.
 - Лок - сўлаш фаршита келмига крнб,
 Бир эчки, сардел насларди нури.

Энди ибодатга андр йўк элди,
 Икобат бўлмади ан дуруси энди.
 Ҳанна фаршитаб этан жудди хариди
 Сохрблар йобилиши лок хан эрди.

Сакки фаршталар юкмонда крнот
 Макоага отлашмиш Иброҳим тилгани
 Танни болорига елди, нилот,
 Қарми ўрнида турмиш ўлтиран.

Билсан, кудари ўтмиш дуньдан,
 Аниг туниб ур сўрабди бислар.
 - Мен рози, - дебди у. - Ўнрок курмоли
 Болдиан, ситиленинг хариди хан бодди.

Заифалар уйин топибди алҳол,
Ризолик сувиға қонибди бекам.
Йўл босиб, мўл босиб кеч кирган маҳал
Ибодатхонаға қўнмиш хотиржам.

Фаришталар кириб келганда яна
Туйишибди инсон тафтани такрор.
- Авлиё қайтибди аслиға, мана,
Дейишиб боисин этмишлар изҳор.

Хурмо ҳақин адо қилган кунданоқ
Азизу мукаррам айлабди худо:
Тағин дил кўзгуси субҳидамдай оқ,
Холис тилаклари тағин жо-бажо...

Иброҳим ашкида қувончи ошкор,
Лол қолмиш илоҳий мужда сеҳридан.
Ҳаром теграсидан ўтмабди зинҳор,
Улғайиб борибди улус меҳридан.

МУҚАДДАС КЎПРИК

Бу асли ривоят, лек элим аро
Улуғлар йўриғин издоши сонсиз.
Уларсиз коинот чеҳраси қаро,
Давронлар кечарди мунаввар тонгсиз.

Сароблар ичинда саргашта жаҳон,
Туманлар ёйганда телба бидъатлар,
Назаркарда хуршид нурларисимон
Туронда туғилди боқий ҳикматлар.

Ҳикматки, ҳалоллик васфи аъмоли,
Шу туйғу азмида кун кўрмоқ шараф.
У билан иссиқдир инсон жамоли,
Жаннат аталгувчи хилқат мушарраф!

Куррани забт этган инжу тариқат
Бешигин тебратган фозил аждодим.
Ўшандан бошланган фасли диёнат,
Ёруғлик ташлаган музаффар одим!

Ватан энди қутлуғ қадамжо экан,
Тиллардан тушмаскан ўзбек деган ном
Бухорий ҳоқини ўпайлик яктан,
Маҳдуми Аъзамга ҳазор эҳтиром!

Ҳазрат Нақшбандга камарбаста шон,
Пурмаъно ўгитин фарз билсин банда:
Қалб Тангри ишқидан бўлсин нурафшон,
Қўл эса меҳнатни қилмасин канда!

Мозий саҳифасин очсак, ростлар қад
Дағи не-не зукко пири комиллар.
Мусоҳиб руҳлари ҳамиша мадад,
Дунё турғунича туташ томирлар!

Покликдан солинган кўприқлар собир,
Муборак каломдай мангу муқаддас.
Ўтмоқдалар ундан аввалу ҳозир,
Йўловчи нафсига эрк бермаса бас...

БОЛАЛИККА НАЗАР

Бугун болаликка қайтгим келади,
Димоғни қитиқлар наврўз ифори.
Шодлик қўшиғини айтгим келади,
Гарчи сочларимда оппоқ қиш қори...

Боғи зрам эди она Олмосим,
Масихий нафасдан порлар теварак.
Муттасил эсгани дилрабо насим
Ором алласидай жонга эгизак.

Чашма рухсорида солланар осмон,
Субҳ сой мавжига тўқади ханда.
Кўй-қўзилар ўрлар яйловлар томон
Булбуллар хонишин бошлаган дамда...

Дуркун далаларда муқим яшариш,
Нигоҳни тортади оҳанрабодек.
Майсами, куртакми ураверсин ниш,
Шу ҳою ҳавасда қуёш турмас тек.

Табиатга инган шаън мусаффолик
Ҳаётга кўчгани айни ҳақиқат.
Кўнгил самолари чексиз зиёлик,
Эътиқод қоядай кўтарганди қад.

Умрнинг ҳар дами ўтмасди хуррам,
Кам-кўстлар чўл эрса, сарҳад йўқ эди.
Лек уруш очликни бўйлатганда ҳам
Имонлар саломат, кўзлар тўқ эди.

Онадай парвона чалани гурур,
Ботиний қасамдек онга омухта:
- Текинхўр ҳеч қачон топмасин сурур,
Имонли ўтирсин бахт деган тахта!

Бу нидо ёндирган бори юракни,
Ҳаттоки раҳбарлар тутумига жо.
Раис ишга чиқса, исбот керакми,
Белбоққа нонини тугиб доимо...

Шунданми ёғилган ерга раҳматлар,
Барака мезбондай ҳозиру нозир.
Сафда кўринмасди қуруқ савлатлар,
Рамақижон эди ҳали таъмагир.

Ўғри отлиғ каззоб беркинган қаён,
Балки иснод қисган гирибонидан.
Аёл олисларни айларди макон
Билмай ичиб қўйса зино обидан.

Ишонч қаршисида қоғоз нимадир,
Лафз собит доимо аҳду паймонда.
Мусаффо майллар мисоли наҳр
Кўпириб оқарди туну кун қонда...

Ўша майл раъйи отамга ҳам тан,
Ортда қолди не-не мансаб зинаси.
Иқбол изламади мутлоқ ғойибдан,
Момо туроб бўлди чин хазинаси.

Бегона ризқиға тикмаса-да кўз,
Оч-наҳор тўнмади жўжабирдай жон.
Яна кетмон билан келди юзма-юз
Қайтганда беомон жангдан ногирон...

Бугун етимликдан вужудим толди,
Чарх урар ягона юпанч каптари:
Кечмиши бетакрор сабоқдай қолди,
Қулоқда жаранглар насиҳатлари!

Адолат султони Аллоҳ, эмас сир
Умрлар саҳнасин чароғбони ҳам.
Ҳалоллиги учун салкам бир аср
Тириклик гаштини сургандир отам...

ТУШ

Ярим тунда чиқиб қолди йўлимдан
Асога суянган мўйсафид ногоҳ.
Сирли табассум-ла ушлаб қўлимдан
Бошлади - қаршида афсонавий боғ.

Бир боғки, поёни кўринмас, ёҳу,
Сайрга чорлайди очиқ дарвоза.
Тўлин ой сочади мафтункор ёғду,
Саболар сасида мадҳи овоза.

Ширага тўлибди тансиқ мевалар,
Ҳуш бўйлар уфурар пинҳона тоти.
Қушлар нағмасида дилбар шевалар,
Ирмоғи таратар севинч баётин.

Авжига чиқибди гўзаллик баҳси,
Аёл сарв қаддидан олмиш андоза.
Тоғларга баробар йигитлар баста,
Кексалар чеҳраси тонг каби тоза.

Бахтиёр болалар кезишар гулзор,
Ғам қайда, дард қайда, соядек ниҳон.
Фусункор юлдузлар телмурар бедор,
Маъсум зиёлари суюк армуғон.

Ҳар гўшада интиқ тўкин дастурхон,
Неъматлар хилидан қамашади кўз.
Ўйин-кулгуларга тор келар осмон,
Меҳрлар тўшида ороланар сўз...

- Бу ер жаннат, - дейди бобо энтикиб,
Кўрганинг бандалар Ҳаққа етишган.
Яшамаган ҳаром луқмалар ютиб,
Ҳалоллик аҳкомин адо этишган.

Энди рўбарўга қарагин, болам,
Бий сахро ястанмиш боғ панасида.
Ким қарғиш олибди тортади алам
Азоб-уқубатлар исканжасида.

Дўзах айламоқни кўрмасман раво,
“Ал қасос!..” амрига назар солсанг бас.
Бунда кеч бўлишин жами тавалло
У ёруғ оламга етказолсанг бас!

Бирдан саф тортади руҳсиз оломон,
Оҳ-воҳлари оғриқ қўндирар танга.
Жаллодлар бесабр сўрашади жон,
“Жон керак!” - пишқирар хунхор аланга.

Маҳкумлар кўксида тасқара ёрлик,
Демакки, корига зарурмас баён.
Униққан афтларда жам гуноҳкорлик,
Хазондек заъфарон мағлуб пушаймон...

Ўғрилар отилди гулханга, ҳайҳот,
Кукунга айланди зино қуллари.
Порахўр аталган неча калон зот
Ноилож шўнғиди жаҳаннам сари.

Қотиллар тиззаси титради қалт-қалт,
Узилди тош қотган асаб торлари.
Олов ичра якун топди оқибат
Хоиннинг хуфёна кирдикорлари.

Иғвогар ғавғосин бошлар сўнгги бор,
Озорлар етганмиш ҳакам қасдидан.
Ўлим кўлкалари босганда, ночор -
Қора қалам тушиб кетди дастидан.

Мум тишлаб турарди энди шаккоқлар,
Фирибгарга сичқон ини минг танга.
Боз қанча-қанчалаб аҳли нопоклар
Ўралди ўт инъом этган “кафан”га...

Уйғониб кетибман, шукур, туш экан,
Таъбирин айтмоққа лолу ҳайронман.
Ўйлар уммонига етаклар елкан,
Гоҳ шодман, гоҳида кўнгли вайронман.

ЗИЁЛАРГА ТУТАШ УМРЛАР

Кунлар ўтди кунлар юзин соғиниб,
Тунлар оғушида тунларнинг ёди.
Дилга бир иштиёқ қолганди иниб,
Ҳисларим кулгуси, ҳисларим доди...

Туш мағзини чақиб чиққандим, бироқ
Огоҳ этмоғим шарт замондошимни.
Йўқ эса домига тортгай изтироб,
Тоти ҳам бўлмагай ичган ошимнинг.

Ғафлатлар хобидан уйғотсин тамом
Сайрга ундаган хизр хоҳиши.
Ёз, қандай мукофот олар покдомон,
Неларга дучордир бадкирдор киши...

Мусулмон зрурман, алҳамдулиллоҳ,
Динимиз даъвати роҳи ҳақиқат.
Ким жаннат дийдорин билса саждагоҳ
Бу дунё у учун имтиҳон фақат.

Яратмоқ завқидан овунсин, токи-
Ҳузур оташида пишсин таоми.
Изларида қолсин яхшилик боқий,
Нур билан ёзилсин дилларга номи!

Бу амал аржуманд ватандошимга,
Комиллик этагин тутганлар бисёр.
Уларни қуёшдай тутгум бошимда,
Садоға зиёда суйганим ашъор!

Зоти пок эмасми, ахир, йил бўйи
Далалар бағрида заҳмат чекканлар.
Тортилган камондай эгилган кўйи
Тупроққа умиддан уруғ экканлар.

Гарчи тирикчилик ҳам камтарона,
Ҳадеб пул юзини кўролмас гарчи,
Омонлиги учун қилар шукрона,
Мўминлик-жисмига сингган юпанчи.

Азалу азалдан қаноат-матлаб,
Бойлик восвосларин хушламайди тан.
Қанча имламасин ўтмайди ҳатлаб
Риёнинг маккора ариқларидан...

Қадоқ қўлларидан ўпгим келади,
Соғиниб бағримга босмоқ - иштиёқ.
Йўлларига меҳрим сепгим келади,
Дехқоним, бахт гунчанг очилсин бодроқ!

Қаршимда намоён бузрук заҳматкаш,
Ердан кўкка нарвон қўйган муаллим.
Қуёш ҳам қалбидан олганми оташ,
Шаштига асирми дарёи азм?!

Муҳораба пайти келинчак қолиб,
Бевалик баридан ушлаган аёл -
Олдига раҳматдан дастурхон солиб,
Садоқат дарсини тингламоқ иқбол!

Узун кун ҳоримай оёқда турган
Ишчига тасанно десин, тасанно!
Савобга муяссар кўприк, йўл қурган,
Ойдин ниятлардан тиклаган бино.

Суюниб боқаман - фаришта мисол
Масжидга ошиққан боболаримга.
Ҳалим дуосидан топасан камол,
Ғанимлар назари тушмас еримга!

Ёзар қулочини ифтихор уфқи,
Олтинранг шафақлар товланар там-там.
Алқайман номуси айрилмас жуфти-
Ўзга касб роҳатин туйганларни ҳам...

НАФС БАЛОСИ

Айни вақт тўлғонар надоматларим,
Қалб аёз захридан бўзлаган етим.
Шалвираб қолгандай қўш қанотларим,
Мени ғам наҳрига улоқтирган ким?

Таъма гуломлари юрар ёнма-ён,
Ҳаромни ҳалол деб симирмоқ кордир.
Аламзада душман туюлар виждон,
На беҳишт, на дўзах хаёли бордир.

Каламушга қиёс айламоқ бўлсам,
Одамга ўхшайди афт-ангорлари.
Каламуш еб ётар уяси тўлса,
Лек тўлмас уларнинг нафс ғорлари.

Гўё мангу яшар, топган-тутгани
Ажал хуружига эмиш даволар.
Муҳайё - ҳаётдан тилаб кутгани,
Гўёки барҳақдир нашъу намолар...

Эл кўрмас наздида шармсизликни,
Адамга чекинар қилғилиғи ҳам.
Ишонч алдовидан топмиш ўзликни,
Келбатли полвондай ташлайди қадам.

Аксинча шамолга учмас эди ор,
Хасдек топталмасди вафодор субут.
Даъвом чинлигига бўлгайсан иқрор,
Уқувчим, кулоқ тут сақлабон сукут.

...Ўшанда борарди катта анжуман,
Залда савдо аҳли эди жамулжам.
Нуфузли мансабдор жўшиб сўзларкан,
Камина кўксида барқ урди кўклам.

- Халқ дарди дардимдир, - дерди куйганча,
Эгри қўлга раҳм бўлмаси тайин.
Оғзимга бир макруҳ луқма солгунча
Ўзим ҳам фарзандим гўштини ейин!

Йиллар ўтди, чечан нутқбоз бугун
Оқпадар кимсадай воз кечган ондан.
Ҳирслар айвонида букилмас устун,
Кимки узатмаса туширар отдан...

Ховли-жой кошона мисли сарбаланд,
Қўшалок машина ҳар ўғил-қизда.
Тилла тақинчоғу дурлар қатма-қат
Қошлари чимрилган кеннойимизда!

Идораси худди мухташам сарой,
Милёнларни ютар таъмирин харжи.
Аламким, маошин кутиб неча ой
Сарғаймоқ жамоа турмушин тарзи.

Бу танҳо кўргилик эрса, дарғазаб
Олмасдим туғёнли дардни шатакка.
Порахўр бургадек кетди болалаб,
Ҳатто ёпишмоқда пою патакка.

Сувдаги балиқдай сузар киссовур,
Пичоқ дамига мос ўгрининг шашти.
Қилиги бетизгин тўфонлардек сур,
Ётиб чиққач яна деворлар ошди.

Инсофдан мосуво ёсуман аҳд деб,
Бетига қоплаган қоп-қора чарм.
Ҳатто масжид мулкин ўмарса нақд деб,
Кечира оларми Аллоҳи Карим?!

Қайларга йўқолди ҳаё, алҳазар,
Қайси номард мағрур бошини кесди.
У эди яшнаган гули муаттар,
Тўсатдан чаманда гармсел эсди.

Бўғилмоқ тақдирми дажжол нафасдан,
Бокира туйғулар, звоҳ, куйинди.
Қумрилар сайрамас, гўёки қасддан
Қагиллаб туради қарғалар энди...

Асрий пардаларни йиртди-ку фаҳш,
Ёввойи тўнгиздек чиқди майдонга.
Икки номаҳрам кас ётса суриб айш,
Ажал тишин нега ботирмас жонга?!

Хорижга бахт излаб талпинган гўзал
Беибо сотганда бежирим танин
Бўлмасми диёнат қоматлари дол,
Додлаб юбормасми гўлиққан замин?!

Дайдиларга етсин маҳзун ўтинчим,
Ўзбекман демасин, билмасин ётлар.
Йўқ эса бузилар аждодим тинчи,
Гўрида тик турар мўътабар зотлар!

Зухролар оразин тўсади абр,
Чинқираб қолади Тўмарис руҳи.
Бўғади садоқат бўйинидан жабр,
Заққумга айланар сафо шукуҳи...

Чайқовчи инига ўт тушган эмиш,
Тарихда қолмиш бу шумшук ибора.
Танти замонага беадад олқиш,
Ҳеч камлик кўрмасин соҳиби чора!

Тадбиркор олибди унинг ўрнини,
Даврин сураверсин, қандини урсин.
Ҳаромга тиқмаса бўлди бурнини,
Топгани ҳамиша тўйга буюрсин!

Аммо рутубатга ўралса бозор,
Ҳамият узлатга бош олиб кетса
Уятдан ер чизиб қолса нобакор,
Қанийди ўзидан ўзи ор этса!

Арзон-гаров молин нархи осмонда,
Бири харидорни солар тузоққа.
Ўн сўмлик важ олиб бири, шу онда
Юз сўмга пуллайди бормай узоққа.

Судхўр ҳам нафс уя қурган очунда,
Фоиизи силлани қуритиши рост.
Дўст қадр-қимматин қўйиб тур, бунда
Ака уқасини аяб ўтирмас...

Муҳтарам ҳожилар - тимсоли фахр,
Шарафга бурканар эл эъзозидан.
Қалби шафоатга лиммо-лим баҳр,
Каъба иси анқир жойнамозидан!

Лек шоли ичида ўсади курмак,
Нур ёнида соя тўқади савлат.
Олдиндан кечирим сўрайман, андак
Баъзиларин энди қилсам маломат...

Биттаси мол-дунё макрига учган,
Беш панжа оғизда ўтказар фурсат.
Унинг учун сабр машъали ўчган
Келмаса кунма-кун мўмай даромад.

Ичмаса туролмас бир таниш “ҳожи”,
Обизамзам кучи қолди қаёқда?!
Нетонгким, бошидан учмасми тожи
Саёқ изғиганда теккан таёқдан?

Инчунин яқинда эрлик жувонни
Яширин “дом”ида олиб қолибди.
Шоҳона безатиб дастурхонини,
Нўши майдан икков толиб қолибди.

Тўсатдан нўхтасин узган газ мисли
Илондек солибди заҳар оқибат.
Қўшниси сезибоқ бу ғайри исни
Эшик бузиб кирса бешарм ҳолат...

Отаси дафнида ўғил боши ҳам,
Онаси кирарди ер ёрилса гар.
Алданган эр жуфтин тан олмаса ҳам,
Ярадор арслондек тортмиш наъралар...

Яроқ тутган қотил ақлдан жудо,
Сўндириб қўйганда умр шамини,
Аксари нафс ҳукмин этади ижро,
Бўридек туяди ҳаром таъмини.

Фирибгарни издан чиқарган ҳам шу,
Ўргимчак ошёнин ясамоқ - юмуш.
Билмаски, шодлик деб кутгани қайғу,
Рўёдир тамшаниб кўрганлари туш...

Она Ватан ичра боғ бор, саҳро бор,
Чимчилар аёзи, тафти эркалар.
Бари зурриёди учун даҳлдор,
Юмрин кўтармоққа шайдир елкалар.

Аммо баъзи биров, астағфуриллоҳ,
Ўйнар ёғий чалган қарсақ сасига.
Таъмалар чоҳига тушиб баногоҳ,
Тош отар табаррук бўсағасига...

Бузилганда Тошкент, Бухоро тинчи,
Ҳаловат тарк этди, уйқу-да ярим.
Гарчи собит ўзбек уйининг синчи,
Нобуд бўлди, ахир, қанча жигарим...

Кўрмаган бўлсам-да уларни ҳеч вақт,
Ёхуд суҳбатлари қилмаган насиб
Жонлари жонимга эди-ку пайваст,
Фарзандлар эди-ку юртга муносиб!

Гуноҳлари надир, жавоб йўқ асло,
Бетиним қалқади кўзларимдан нам.
Ўзимиздан чиқиб турганда бало
Аланга олади афтода алам!

Тузлиққа тупурган нонкўр, ғаламис
Итобим ўқидан қатл топмас ҳам.
Жазосин беради муқаррар холис,
Ўн саккиз минг олам сарвари Эгам!

ХОТИМА

Умр деганлари тоабад кемтик,
Кемтикдир баҳорий орзулар бари.
Тингловчим кўзига қаролмайман тик,
Юз очдим тугал севинч, дардларим?

Унутми ўзга бир ихлос қўйганим,
Таҳсинсиз қолдим ноёб фазилат.
Ё камдир қабоҳатларга йўйганим,
Нафрат тизгинидан тутдим шафқат?

Не бўлса-да қалам виждон асири,
Сувлар ичгандайман зилол қудуқдан.
Ҳалолни қўлласин мурувват пири,
Нафс эса қутилсин зил-замбил юқдан!

Билъакс эътиқод йиғлайди юм-юм,
Тушиб оқ қилинган ўғлон ҳолига.
Ушанда (илоҳо, асрасин Тангрим),
Қолгаймиз муаззам Ер уволига.

Дарёлар қуриса ўзимиз айбдор,
Боғлар биёбонга бўшатса ўрнин.
Саратонда ёғиб турса совуқ қор,
Ногаҳон офат деб сақламайлик кин.

Бўрон қутуради феълимиз кўриб,
Асов сел ғорати аслида шундан.
Силкинади афкор замин оҳ уриб
Кўнгиллар чархига чўккан тутундан!

Қайси кас айбини яширса илло,
Ўзгани беҳабар санаса - гумроҳ.
Қилмиши эзгулик, ёвузликми ё,
Кўриб ҳам, билиб ҳам туради Аллоҳ.

Алқисса, назари афзун иноят,
Покланиш башарга энг олий ҳавас.
Ҳосил бўлса кўҳна муроди, жаннат
Ҳаммага эшигин очса ажабмас!

2004 йил январь-апрель.



РАМЗЛАРДА ЮЗ МАЪНО

Мана шоир Эрмуҳаммад Нурматовнинг кейинги йилларда яратган шеърлари ва достонидан иборат тўплами билан танишиб чиқдингиз, азиз китобхон. Бу назмий асарлардаги фикр ва тасвир кўнглингизда акс садо берган, мулоҳаза кўзгаган, ҳис-туйғуларингизни жўштирган, қалбингизни тўлқинлантирган, ҳаяжонга тўлдирган бўлса, ажабмас. Зеро, бадиий сўз санъатининг ўзига хос хусусияти ҳам унинг таъсирчанлигидадир.

Эрмуҳаммадни яхши биласиз. Истеъдодли ижодкор, иқтидорли қаламкаш у. Ўнга яқин китоблар муаллифи. Журналистика ва адабиёт соҳасидаги фаолияти “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони ҳамда “Меҳнат шўхрати” ордени билан тақдирланган. Айни пайтда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари газетаси “Диёнат” да адабий муҳаррир вазифасида ишлаб турибди.

Шоирнинг ушбу китоби “Оқ ва қора” деб номланган. Бу икки ранг кўчма маънода, рамзий тарзда қўлланганлиги аён. Оқ - мусаффо, тиниқ, бегубор, бедоғ, тўғри каби маъноларни ифодалайди. Эзгулик, ҳалоллик, софдиллик, меҳр-оқибат, кўнгли очиқлик, самимият, баъманилик, хушхулқлик, андишалилик, вафо, садоқат, инсофлилик, виждонлилик, имонлилик, диёнат, ҳаёдлилик каби олижаноб фазилатлар ва амаллар муҳассам бу рамзий ифодада. Қора - нохуш, номатлуб, гаддор, губор, ярамас, машъум, қабих маъноларида. Нопоклик, кўнгил қоралик, бадхулқлик, андишасизлик, ноинсофлик, фирибгарлик, қилвирлик, бевурдлик, имонсизлик, хиёнат, риёкорлик, диёнатсизлик, бадқирдорлик, порахўрлик, кўрнамаклик сингари одамийликка зид, ахлоқий метёрларга қарама-қарши салбий ҳолларни жамлаган. Оқлик маънавий муҳаммалликни билдирса, қоралик - маънавий қашшоқликни англатади.

*Оламнинг ишлари антиқа тугун,
Сиру синоатдан иборат гўё.
Бир осмон остида алмашур тун-кун,
Абадий рўбарў зулмат ва зноё.*

Бу сатрлар китобнинг руҳини, мазмуни ва мундарижасини белгилайди.

Тўпلامдаги шеърлар ва “Икки кутб” достонидан маълум таассурот олгансиз, албатта. Яна бир фикрлашайлик.

Юқорида одамларда ва ҳаётда учрайдиган ижобий хислатлар ҳамда салбий қусурларни санаб ўтдик. Шоир шеърларида, аввало, инсонга, халққа бўлган меҳр барқ уриб туради:

*Меҳрим ҳарорати мисли ёз, элим,
Мадҳингни айтмоққа сўзлар оз, элим, -*

дейди ижодкор ва юрагидаги меҳрини, тафтини жонажон элига бағишлайди. Зотан, бундай меҳр-мурувват, кишиларга, халққа яхшлик қилиш, эзгулик уруғларини сочиш улуғ аждодларимиздан мерос. Буюк табиб Ибн Сино ҳақида: “Дард чекса отадек куйдингиз чиндан, туну кун малҳамлар кўйдингиз чиндан”, - дер экан, шоир бу билан инсонга меҳрибонлик, гамхўрлик хислатларининг азалийлигини таъкидлайди. Одамларга яхшилиқ, эл манфаати йўлида сидқидил хизмат - халқимиз асл фарзандларининг фазилати. Богбон меҳнатини олайлик. Шоир айтганидек: “У жаннат яратиб кетган оламдан!”. Ҳозирда ҳам жаннат яратаётганлар қанчадан-қанча! Умуман, кўпчилик юртдошларимиз турли соҳаларда эл-юрт хизматини астойдил ўтаб келмоқдалар. Ҳа, “Меҳнатнинг ёмони бўлмайди асло, Мукаррам этмоққа садоқат жоиз”. Шубҳасиз, “Адолат зиёсин сочган қуёшинг - элинг назаридан қолмасанг бўлди!”. Элга хизмат - олий ҳиммат. Ҳалол меҳнат - оқлик, буюклик. Умрини оқлик

билан кечирганларга “буюклик зшиги очик доимо”. Ана шундай буюкликка ва покликка чорлайди шоир:

*Сен поксан, эй рафиқ, хонадонинг пок,
Пешона тери-ла топган нонинг пок.
Садоқат, диёнат, меҳр-қанотинг,
Демак, тонгга туташ ўтар онинг пок.*

Дили пок одам злу юртига садоқатли бўлади. Унинг хизмати, манфаати йўлида доимо камарбасталик қилади. Ватанни онадай азиз кўради, Ватанни севмоқни имондан деб билади. Шунинг назарда тутиб, шоир ёшлар кўнглида ватанпарварлик туйғуси жўш уришини истади, уларга: “Ватан меҳри унсин юракда”, - дея ўғит беради.

Китобда оқликни, юксак инсоний фазилатларни мадҳ этувчи, тарғиб қилувчи шеърлар асосий ўрин тутди. Негаки, мамлакатимиз истиқлоли шарофати билан юртдошларимиз қалбига, онгига эзгулик хислатлари тобора чуқур сингиб, фазилатли инсонлар сафи кенгайиб борапти.

Аmmo ҳаёт мураккаб. “Оқ ранг теграсида ястанмиш қора”. “Оқликни англатса эзгулик фақат, Ёвузлик яшайди қора занг ютиб”. Шунинг учун шоир турмушда, айрим кимсалар табиати, хулқи ва одатида учраб турадиган нохуш, ножўя жиҳатларга эътиборни тортади. Буларга қарши қалб туғёнларини ижод маҳсулларига, образли тасвирга туширади. Нияти - жамиятни бундай иллатлардан халос қилиш, оқликни барча қалбларга сингириш. Баъзи “нафс қуллари” юлғичлик, порахўрлик, фирибгарлик билан кишиларга, жамиятга зиён-заҳмат етказаятганлигидан ранжиган адиб: “Қачон ва ким тутди, ахир, Нафс қулларин гирибонидан!” - дея хитоб қилади.

Афсуски, шу Ватанда туғилиб, ўсиб, унинг нони - тузидан баҳраманд бўлиб, унга хиёнат қиладиганлар ҳам учраб турибди. Шоир ана шундай разолат йўлига кирганларни огоҳлантиради:

*Ватанни сотган кас беимон бўлгай,
Эл кўксига унсиз минг фиғон бўлгай.
Ногаҳон довуллар, селлар бежизмас,
Ҳатто табиатда галаён бўлгай.*

“Икки қутб” достони - оқ ва қорани муқояса қилувчи, кенг талқин этувчи, шоирнинг ҳаётдаги зиддиятларга муносабатини, ўй-қарашларини, изтироб ва армонларини кўламли акс эттирувчи асар. Достон “Муқаддима”сидаёқ бу икки қарама-қарши қутбга нисбат берилади:

*Ҳалоллик аталар илк қутб номи,
Бамисли қуёшки, зиёлар дил.
Эзгу ниятларга уйғун давоми,
Пешвоз чиқар толе мужассам манзил.*

*Ўзга қутб маълум: нафс балоси,
Вабодек кемирар имон томирин.
Кимдаким бўлса бу дард мубталоси,
Дарбадар ел каби ололмайди тин.*

Ҳалоллик ҳақидаги ҳикоят, “Муқаддас кўприк”, “Болаликка назар”, “Туш”, “Зиёларга туташ умрлар” асарнинг бош ғоясини очиш ва асослаш учун хизмат қиладиган боблар. Булар - элга эзгулик-улашган зотлар фазилати ва фаолияти ҳақида, покизалик ва саховат васфи, ардоғи.

Шоирнинг меҳри, самимияти шу беназир инсонлар томонида:

*Бу амал аржуманд ватандошимга,
Комиллик этагин тутганлар бисёр.
Уларни қуёшдай тутгум бошимда,
Садога зиёда суйганим ашъор!*

Бироқ виждонли қалб, эл дарди билан дард чекувчи инсон эзгулик, покликнинг акси бўлган ҳолларга

лоқайд қараб туrolмайди. Шоир “Нафс балоси” бобида шундай дейди:

*Айни вақт тўлганар надоматларим,
Қалб аёз захридан бўзлаган етим...*

Шоир кўнгли надоматга тўлганича бор. Айримларга “ҳаромни ҳалол деб симирмоқ кордир”. “Ҳеч тўлмас уларнинг нафс ғорлари”, “Эл кўрмас наздида шармсизликни”. Бир вақтлар “Халқ дарди дардимдир”, - деган мансабдор бугунга келиб “Ҳирслар айвонида букилмас устун”, тамагир. Порахўрлик, ўгрилик, беҳаёлик... Ҳатто муқаддас жойларга бориб келиб ҳам номақбул, жирканч ишлардан қайтмаётганлар бор: “Биттаси мол-дунё макрига учган”, яна бири ор-номус, шарм - ҳаёни унутган...

2004 йилнинг март-апрел ва июль ойларида бир гуруҳ хиёнаткорлар, хоинлар, ватанфурушлар, душманлар тузогига илинган ақли ноқис кимсалар содир этган жиноятлар ҳаммани ғазабга келтирди. Достондаги мана бу сатрлар халқ қалбидаги ана шу нафрат ва ғазаб изҳоридир:

*Аммо баъзи биров, астағфуриллоҳ,
Уйнар ёғий чалган қарсак сасига.
Таъмалар чоҳига тушиб баногоҳ,
Тош отар табаррук бўсағасига...*

*Бузилганда Тошкент, Бухоро тинчи,
Ҳаловат тарк этди, уйқу-да ярим.
Гарчи собит ўзбек уйининг синчи,
Нобуд бўлди, ахир, қанча жигарим...*

Бундай жиноятлар, адиб уқтирганидек, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазосиз қолмайди. “Жазосин беради муқаррар холис, Ўн сакиз минг олам сарвари Эгам!”.


Достонда қора ранг тасвири бир оз қуюқлашиб кетган бўлса, бу - муаллифнинг оқликка бўлган ихлоси, уни ёқлаш ниятидан, эл-юрт манфаати учун куюнчаклиги, жонкуярлигидан. Қора ишларни, қилмишларни инкор этиш, лаънатлаш воситаси-ла оқликни тасдиқлайди, қувватлайди ижодкор. Шоир мақсади ва барча соф кўнгилли кишилар муддаоси шуки, диллар оқликдан - яхшилик, ҳалоллик, аҳиллик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар, хуш амаллардан равшанлаша борсин; қораликдан - ёмонлик, нопоклик, бағри тошлик, риёкорлик, сотқинлик сингари ноҳўялик, бадкирдорлик, қабихликлардан хира тортмасин. "Ҳалолни қўлласин мурувват пири, Нафс эса қутулсин зил-замбил юқдан!"

Алихон ХАЛИЛБЕКОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МУНДАРИЖА

Биоток ва меҳр	3
Элим	4
Ҳайрат	5
Фахриёна	6
Оламнинг ишлари антиқа тугун	7
Буюклик эшиги	8
Бу оламда жаннат яратди	9
Ҳаёт тилсимларин	10
Ирмоқ	11
Она юрт соғинчи	12
Ибн Сино	13
Икки тақдир	14
Чироқ	15
Ахсикент	16
Дўст аҳлини хизрдай кутдим	17
Ёш шоирга насиҳат	18
Из	20
Тўртликлар	21
Тилак	22
Гулзордаги воқеа	23
Айтилмаган эртак	24
Бордир	25
Тўти	26
“Улғайиш”	27
Туғилиб яхшилик қилдингми сира	28
Дўстлар	29
Янги “бой” ҳақида қисса	30
Импорт кўйлак	32
“Шапка”	33
Фавворалар	34
Иккиликлар	34
Мухаммаслар	36
Икки қутб (достон)	40
Рамзларда юз маъно (А. Халилбеков)	57

Адабий-бадий нашр



Эрмамат НУРМАТОВ

ОҚ ВА ҚОРА

Шеърлар ва дoston



Муҳаррир: **Абдулла ЖАББОР**

Рассом: **Аҳадхон ДАДАБОЕВ**

Бадий муҳаррир: **Жамолхон АЗИМБОЕВ**

Тех. муҳаррир: **Абдулҳай СОБИРОВ**

Мусаҳҳих: **НОЗИМЖОН ЖАББОРОВ**



Теришга 2004 йил 23 августда берилди. Босишга 2004 йил 8 сентябрда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Газета қоғози. Офсет усули. Ҳажми 4 босма табоқ. Адади 5000 нусха. 5810-букортма. Баҳоси келишилган нархда.

“Наманган” нашриёти.

(Наманган ш. Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават)

Ибрат номли вилоят босмахонаси
(Наманган ш., Навоий кўчаси, 36)да босилди.